



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING  
QARORI

Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021 йил " 3 " *январ*

№ *176*

Yangibozor tumani

Урганч туманининг "4-сон" маҳалласида яшовчи фуқаро Машарипов Иззат Бахтиёровичга сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-,53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Урганч туманидаги "4-сон" маҳалласида яшовчи фуқаро Машарипов Иззат Бахтиёровичнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси асосида ўтказилган очик танлов якунларига кўра, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-,10-моддаларига асосан,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов якунлари бўйича қабул қилинган комиссия қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Урганч туманининг "4-сон" маҳалласида яшовчи фуқаро Машарипов Иззат Бахтиёровичга Хоразм ҳудудининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 275-контурида жойлашган умумий ер майдони 14,5 гектар, шундан суғориладиган экин ери 14,0 гектар, ариқ ва зовурлар 0,2 гектар, йўллар 0,3 гектардан иборат ер участкаси сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Урганч туманидаги "4-сон" маҳаллада яшовчи фуқаро Машарипов Иззат Бахтиёровичга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Машарипов Иззат Бахтиёрович ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини

далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро И.Машариповга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- бизнес режада белгиланган экин турларини тўлиқ экиб, ҳосилдорликни ошириб бориш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш;

- ҳудудий статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.


5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими.В.В.б



*[Handwritten signature]*

Ж.Холметов